(тахминан 1797-1842)
(1825-1842)

Хива хони, Кўнгиротлар сулоласидан. Мухаммад Рахимхоннинг ўгли. Оллохкулихон даврида зулм, талончилик, ўзаро урушлар кучайган. Оллохкулихон Бухоро билан сулх тузилганига карамай 7 марта Бухоро хонлиги худудига юришлар килиб, кишлокларни талаб кайтган. Хуросонга 5 марта юриш килган. Коракалпок ва туркманларнинг кўзголонларини бешафкат бостирган (1828-йил). Россия билан савдо ва элчилик муносабатларини (1840-1841-йиллар) ривожлантирган.
Оллохкулихон даврида Хивада карвонсарой, тим, 111 та хона ва бўлмали Тошхўвли саройи (1834-1835-йиллар), Ичан калъанинг шаркий дарвозасига туташтириб курилган Оллохкулихон мадрасаси, Ок масжид, Саитбой масжиди, Тошховуз калъаси (1835-1836-йиллар) ва бошка иншоотлар курилган. Янги каналлар каздириб сугориладиган ерларни кенгайтирган. Хива шахрининг ободончилиги учун кўп мехнат сарф килган. Оллохкулихон даврида кошинпазлик (кошинкорлик) санъати юксак чўккига чиккан. Пахлавон Махмуд макбараси ва Кўхна Арк кошинлар билан безатилган. Сайид Аловуддин макбараси ва бошка кўпгина тарихий обидалар таъмирланган. Арабхон ва Мухаммад Амин инок мадрасалари кайтадан курилган.
Хива шахрининг атрофи мудофа девори билан ўраб олинган (1842-йил). Ичан калъа ташкарисида яшаётган ахолини химоя килиш максадида Дишан калъа (Ташкари калъа) курилган. Калъанинг узунлиги 6250 метр бўлиб, шундай улкан курилиш кучи билан пахсадан 30 кун давомида куриб битказилган. Ичан калъанинг жанубий дарвозасидан Дишан калъа деворларигача бўлган масофа 300-400 метрни ташкил килади.
Оллохкулихон 1842-йил Чоржўйга юриш килиб калъани камал килган пайтда огир касалга дучор бўлиб, оркага кайтишга мажбур бўлган ва 1842-йил 23-ноябрда вафот этган. Уни ўзи хаёт вактида тайёрлаб кўйган Пахлавон Махмуд макбарасига дафн этишган.